O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.N




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: Info@xs.uz ● 2010 йил 5 январь, № 2 (4917) Сешанба


## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Янги — 2010 йил бошланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари, халқаро ташкилотлар, компаниялар бошлиқлари ўзларининг самимий табрикларини йўллашмоқда. Уларда Юртбошимизга ҳамда Ўзбекистон халқига тинчлик ва осойишталик, соғлиқ ва саломатлик, олиб борилаётган ишларда ютуқ ҳамда омадлар изҳор этишдек эзгу ниятлар билдирилган.

Жумладан, қуйидагилардан Янги йил қутловлари олинди:

**Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти Абдулазиз Бутефлика;**
**Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев;**
**Арманистон Республикаси Президенти Серж Сергсян;**
**Грузия Президенти Михаил Саакашвили;**
**Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон;**
**Корея Халқ Демократик Республикаси Давлат Мудофаа қўмитаси Раиси Ким Чен Ир;**
**Бельгия Қироллиги Бош вазири Ив Летерм ва бошқалар ўз табрикларини йўллаганлар.**

*Самимий табриклар келиши давом этмоқда.*

### 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

***Истиқлолнинг ҳар бир куни, ҳар бир дақиқаси биз учун қадрлидир. Чунки шу даврда ўтган эркин ва озод ҳаётимиз давомида давлатимиз раҳбари бошчилигида барча соҳаларда олиб борилган кенг кўламли ислоҳотлар, янгиликлар туфайли шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгарди, турмушимиз фаровонлашиб, эртанги кунга бўлган умид ҳамда ишончимиз янада мустаҳкамланди.***

## ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Бундай ютуқлар жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик билан бевосита боғлиқ, десак муболаға бўлмайди. Чунки ҳар қандай эзгу мақсад рўёбида ушбу жиҳат ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Бугунги фаровон кунларимизнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш зиммамиздаги улкан масъулиятдир. Зеро, Конституциямизнинг 52-моддасида қайд этилганидек, "Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир". Она Ватанига меҳр-муҳаббатли, садоқатли кишилар ушбу эзгу даъват моҳиятини доимо дилдан ҳис этиб, шунга амал қилиб яшайдилар. Шу маънода айтганда, Ўзбекистон фарзандлари, профессионал асосдаги миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган жасур ва мард, интеллектуал салоҳиятли ўғлонларнинг ҳар бири фидойиликда тенгсиз саналишади.

(Давоми 4-бетда).

### 2010 йил — Баркамол авлод йили

## ВАТАННИНГ СУЯНЧИ, ТАЯНЧИ ЁШЛАР




Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

Мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбиясига оид изчил ислоҳотлар, энг аввало, фаровон келажагимизни таъминлашга хизмат қилаётир. Зеро, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда унинг узвий давоми бўлмиш Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури юртимиз таълим соҳасини модернизациялаш, ўқитувчилар учун замонавий шарт-шароитлар яратиш, ўқитишнинг янгича усулларини фаолият жараёнига кенг татбиқ этиш борасидаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Умумтаълим тизимида амалга оширилаётган бу каби мақсадли дастурлар ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, етук маънавиятли, кенг дунёқарашга эга баркамол шахсларни тарбиялаб вояга етказишдек эзгу мақсадларимиз рўёбига хизмат қилмоқда.

Ёшлар таълим-тарбияси йўлидаги бундай хайрли саъй-ҳаракатлар пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 250-умумтаълим мактаби педагогик жамоаси фаолиятида ҳам ёрқин намоён бўлаётир.

(Давоми 4-бетда).

### МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

## Ўзимизнинг хуштаъм шарбатлар

***СИРДАРЁ шаҳрида "JMP International" Ўзбекистон — Буюк Британия — Канада қўшма корхонаси иш бошлади.***

Бунинг учун дастлаб 1 миллион 907 минг АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция киритилиб, замонавий ускуна ва жиҳозлар олиб келиб ўрнатилди ҳамда 100 нафар йигит-қиз ишга қабул қилинди. Ҳозир бу ерда шафтоли, олма, сабзи ва помидордан хуштаъм шарбатлар тайёрланмоқда. Шу кунгача корхонада 6,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, мижозларга етказиб берилди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Фермерлар туҳфаси

***АНДИЖОН. Пахтаобод шаҳарчасида тиббиёт маскани учун мўлжалланган янги бино қурилиб фойдаланишга топширилди.***

Янги йил байрами арафасида туман шошилинч тиббий ёрдам бўлимига совға қилинган ушбу замонавий бино фермерларнинг 110 миллион сўмлик маблағи эвазига барпо этилди. Ҳозирда фермерлар бу тиббиёт масканини зарур жиҳозлар билан таъминлашга бош-қош бўлишмоқда.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Калава ип экспорт қилинмоқда

***ФАРҒОНА. "Марғилон-Текстиль" қўшма корхонасида модернизациялаш ишлари амалга оширилмоқда.***

Жумладан, бу ерга Германиянинг замонавий ускуналари олиб келиб ўрнатилди. Натижада ишлаб чиқариш унумдорлиги ошиб, кунлик маҳсулот ҳажми 9 тоннага етди. Ушбу маҳсулотнинг аксарият қисми экспорт қилинмоқда. Хусусан, 2009 йилнинг 11 ойида чет эллик мижозларга 2 миллион 400 минг АҚШ долларилик калава ип етказиб берилди.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

***4 январь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Комиссия раиси М. Абдусаломов олиб борди.***

Мажлисда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11 ва 48-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов якунлари кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов округларида ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Конференциясида сайланган депутатлар рўйхатга олинди.

Бир депутатлик мандати учун 99 та сайлов округида 4 нафардан номзод, 36 та сайлов округида 3 нафардан номзод кураш олиб борди.

Мамлакатимиз бўйича сайловчилар рўйхатига 17 миллион 215 минг 700 нафар сайловчининг фамилияси киритилиб, овоз беришда 15 миллион 108 мингдан ортиқ ёки сайловчиларнинг 87,8 фоизи қатнашди.

Овоз беришда сайловчиларнинг Қорақалпоғистон Республикасида 90,9 фоизи, Андижон вилоятида — 88,9 фоизи, Бухоро вилоятида — 87,1 фоизи, Жиззах вилоятида — 89,8 фоизи, Навоий вилоятида — 88,3 фоизи, Наманган вилоятида — 87,4 фоизи, Самарқанд вилоятида — 89,3 фоизи, Сирдарё вилоятида — 91,4 фоизи, Сурхондарё вилоятида — 89,1 фоизи, Тошкент вилоятида — 88,1 фоизи, Фарғона вилоятида — 85,8 фоизи, Хоразм вилоятида — 88,3 фоизи, Қашқадарё вилоятида — 88,1 фоизи, Тошкент шаҳрида — 81,9 фоизи иштирок этди.

Овоз беришда барча 135 та сайлов округида рўйхатга киритилган сайловчиларнинг 33 фоизидан ортиғи иштирок этди ва сайлов қонунчилигига мувофиқ уларда сайлов ўтган, деб ҳисобланади. Овоз бериш натижаларига кўра, 96 та сайлов округида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайланди. Уларнинг 33 нафари — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан, 25 нафари — Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан, 22 нафари — Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан ва 16 нафари — Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан. Сайланган 96 нафар депутатнинг 19 нафари ёки 19,8 фоизи хотин-қизлардир.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, сайлов куни Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Конференциясида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 15 нафар депутати сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича 39 та сайлов округида номзодларнинг бирортаси ҳам сайланиш учун зарур овозни тўплай олмади. Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси 2009 йил 30 декабрь куни мазкур округларда такрорий овоз беришни 2010 йил 10 январда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатларни рўйхатга олиш тўғрисидаги қарори матбуотда эълон қилинади.

**(ЎзА).**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатларни рўйхатга олиш тўғрисидаги Марказий сайлов комиссиясининг қарори газетамизнинг 2 ва 3-саҳифаларида эълон қилинмоқда.*

### Дил сўзи

## ЭЗГУ МАҚСАДЛАР РЎЁБИ

***Юртбошимизнинг Янги йил табригини диққат билан эшитдик. Дарҳақиқат, Президентимиз 2009 йилда халқимиз не-не синовларни, қийинчиликларни ва муаммоларни енгиб ўтганини, айни пайтда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамасдан, мамлакатимизда залворли ютуқларга, салмоқли натижаларга эришилганини алоҳида таъкидладилар. Янги — 2010 йилда олдимизда турган энг муҳим устувор вазифалар хусусида ҳам мушоҳада юритдилар.***

2009 йилда ҳамюртларимиз турмушини янада яхшилаш, эзгу мақсадларни кўзлаган бунёдкорлик ишларини амалга оширишга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар бажарилди. Жаҳонда кечаётган молиявий-иқтисодий тангликка қарамай, ялпи ички маҳсулотимиз 8,1 фоизга, иқтисодиётга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 33 фоизга, аҳолининг реал даромадлари 26,5 фоизга, ойлик иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларнинг ўртача 40 фоизга ошганиёқ Юртбошимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг нечоғли ҳаётий эканлигини, ўз тараққиёт йўлимиздан оғишмай тўғри бораётганлигимизни кўрсатмоқда.

Энг муҳими, Президентимиз ўз табригида қайд этганидек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланди. Йилдан-йилга бу борадаги ишлар миқёси тобора кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисида муҳокама этилган мамлакатимизнинг 2010 йилги бюджетида ҳам бу масала ўз ифодасини топди. Жумладан, 2010 йилги Давлат бюджети параметрларида ижтимоий соҳа устуворлигига алоҳида урғу берилиб, ушбу соҳага йўналтирилган маблағлар янада кўпайди. Чунончи, 2009 йилда соҳа харажатлари 55,6 фоизни ташкил этган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткич 59 фоиздан ортиқ бўлиши режалаштирилган. Бунда, айниқса, соғлиқни сақлаш, таълим тизими, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмини манзилли қўллаб-қувватлаш бўйича харажатларни кўпайтириш, иш ҳақи, пенсиялар ва нафақаларни ошириш назарда тутилган. Тан олиб айтиш керак, ҳақиқатан ҳам, бундай ғамхўрлик, эътибор камдан-кам давлатларда учрайди.

Биз буюк давлат қуришдек эзгу мақсадни кўзлаганмиз. Президентимиз таъбири билан айтганда, мазкур ният йўлида барчамиз белимизни қаттиқ боғлаб, қатъият ва фидойилик билан, астойдил меҳнат қилишимиз лозим бўлади. Юрт тинчлиги, эл фаровонлиги, Ватан тараққиёти учун курашга отланган ва курашаётган ҳар бир фуқаро ана шундай масъулият билан ишлаши ва яшаши керак!

**Ғофир АЛИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси.**

## РАҒБАТ ТАРАҚҚИЁТГА ЧОРЛАЙДИ

***Бугун шуни ишонч билан айтиш мумкинки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамасдан, республикамиз иқтисодиётининг барча тармоқларида юксак муваффақиятларга эришилаётгани юртдошларимиз қалбида фахр-ифтихор туйғуларини уйғотмоқда.***

Бу, аслида, Президентимиз раҳнамолиги ва ташаббуси билан жойларда ислоҳотлар изчил амалга оширилаётгани, айниқса, мазкур жараёнда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, рағбатлантирилаётганининг самарасидир.

Дарҳақиқат, рағбатнинг жозибадор кучи шундаки, у биз, тадбиркорларни янги-янги марраларни забт этишга даъват қилмоқда. Ўзимиздан қиёс: кичик корхонамизда ҳозирда ўнлаб чевар қизлар ишлаб, замонавий фасондаги эркаклар ва аёллар кийимларини тикмоқдалар. Бу маҳсулотлар эса барчага манзур бўлаётир.

Президентимиз Ўзбекистон халқига Янги йил табригида "2010 йилда ойлик иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини камида 30 фоизга кўпайтириш кўзда тутилаётгани, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг Янги йил олди кайфиятига, албатта, янги қувонч бағишлайди" деб ишонч билдирдилар. Бу, аслида, рағбатнинг мантиқий давомидир. Биз бундан руҳланиб, Янги йил — Баркамол авлод йилида, хусусан, туманимиз ёшларининг бандлик даражасини янада оширишни ният қилиб турибмиз. Шу мақсадда нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган яна бир кичик корхонани ишга туширмоқчимиз. Бунинг учун имкониятларимиз ҳам, маблағимиз ҳам етарли.

**Г. ЖУМАНИЁЗОВА,**
**Мўйноқ туманидаги «Орол орзулари» кичик корхонаси раҳбари.**

### БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ТОБОРА РИВОЖЛАНМОҚДА

***2009 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимизда***

**256,5 километр узунликдаги янги автомобиль йўли қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

Ўтган даврда жойларда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли соҳада шундай ижобий натижага эришилди.



*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 2009 йил 27 декабрда бўлиб ўтган сайлов якунлари ҳақидаги округ сайлов комиссияларининг баённомалари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати Конференцияси қарорига асосан Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Қонуни 5-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 11, 44, 48, 49-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов округларидан сайланган 96 нафар ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган 15 нафар депутат 1 ва 2-иловага мувофиқ рўйхатга олинсин.**

1-илова

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов округларидан сайланган депутатлар РЎЙХАТИ

| № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Депутатнинг номзодини кўрсатган органнинг номи, партияга мансублиги | Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) | Иш ва яшаш жойи | Сайлов округининг тартиб рақами ва номи |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Абдиназаров Содикжон Холикназарович | 1964 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Қўқон давлат педагогика институти кимё-биология факультети декани | Фарғона вилояти, Данғара тумани | 91-Данғара сайлов округи |
| 2 | Абдусаттаров Тулкин Сайфуллаевич | 1978 | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, "Адолат" СДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими | Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани | 32-Ғаллаорол сайлов округи |
| 3 | Адилходжаева Сурайё Махкамовна | 1964 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси аъзоси | Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани | 128-Саноат сайлов округи |
| 4 | Азамат Зиё Ҳамид ўғли | 1963 | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Миллий тикланиш" ДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси | Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани | 126-Темирйўлчилар сайлов округи |
| 5 | Азизов Искандар | 1957 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Пахтачи тумани Статистика бўлими бошлиғи | Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани | 55-Қорадарё сайлов округи |
| 6 | Акилов Алимжон Рахимович | 1958 | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Миллий тикланиш" ДП аъзоси | Ўзбекистон Миллий университети "Конституциявий ҳуқуқ" кафедраси доценти | Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани | 38-Нурота сайлов округи |
| 7 | Алимов Насим Ҳошимович | 1964 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси | Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани | 23-Шохруд сайлов округи |
| 8 | Амонов Шароф Бахронович | 1958 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Пешку тумани "Пешкутекс" Ўзбекистон — Беларусь қўшма корхонаси бош директори | Бухоро вилояти, Пешку тумани | 24-Ибн Сино сайлов округи |
| 9 | Асқаров Равшанжон Турсунбоевич | 1979 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси давлат мулки қўмитаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи | Наманган вилояти, Уйчи тумани | 48-Чуст сайлов округи |
| 10 | Атоджонов Джумонозор Азодович | 1976 | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Миллий тикланиш" ДП аъзоси | Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси ўринбосари | Тошкент шаҳри, Учтепа тумани | 110-Хива сайлов округи |
| 11 | Ахадов Абдурафик | 1945 | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, "Адолат" СДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси | Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани | 60-Самарқанд сайлов округи |
| 12 | Ахунова Ойша Маҳаммаджановна | 1960 | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, "Адолат" СДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси | Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани | 40-Сардоба сайлов округи |
| 13 | Аширов Одилжон Наджимович | 1966 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Шайхонтоҳур тумани "TEXNO SANOAT" кўп тармоқли фирмаси директори | Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани | 133-Кўкча сайлов округи |
| 14 | Бабаев Джахонгир Исмаилбекович | 1976 | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Миллий тикланиш" ДП аъзоси | Тошкент давлат юридик институти "Фуқаролик ҳуқуқи" кафедраси доценти | Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани | 127-Қорақамиш сайлов округи |
| 15 | Болтаев Шавкат Хасанович | 1974 | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Миллий тикланиш" ДП аъзоси | "Халқ банки" Олот тумани филиали бошқарувчиси ўринбосари | Бухоро вилояти, Олот тумани | 26-Пайкент сайлов округи |
| 16 | Ботирова Зухра Баратовна | 1954 | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, "Адолат" СДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси | Тошкент вилояти, Тошкент тумани | 25-Варахшо сайлов округи |
| 17 | Вафаев Улугбек Назарович | 1967 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раисининг ўринбосари | Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани | 52-Булунғур сайлов округи |
| 18 | Гаимова Раъно Улабаевна | 1958 | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, "Адолат" СДП аъзоси | Жарқўрғон саноат касб-ҳунар коллежи директори | Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани | 71-Жарқўрғон сайлов округи |
| 19 | Ганиев Баходир Мухтарович | 1977 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси маркази директори ўринбосари | Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани | 135-Шайхонтоҳур сайлов округи |
| 20 | Гулямов Латиф Якубович | 1956 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси ўринбосари | Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани | 86-Чирчиқ сайлов округи |
| 21 | Деҳқонов Шухрат Бегмирзаевич | 1971 | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Миллий тикланиш" ДП аъзоси | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Наманган вилояти Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси | Наманган вилояти, Наманган тумани | 41-Тошбулоқ сайлов округи |
| 22 | Джумаев Алишер Туробович | 1976 | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Миллий тикланиш" ДП аъзоси | Сурхондарё вилояти иқтисодиёт Бош бошқармаси бошлиғи | Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри | 72-Қумқўрғон сайлов округи |
| 23 | Джумамуратова Клара Шахназаровна | 1961 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси | Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани | 105-Урганч сайлов округи |
| 24 | Джураев Қодир Асадович | 1972 | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, "Адолат" СДП аъзоси | Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти лойиҳа раҳбари | Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани | 21-Бухоро сайлов округи |
| 25 | Ёрматов Саймуддин Тошмадович | 1955 | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Миллий тикланиш" ДП аъзоси | Қувасой шаҳри "Фарғона Ал-Сайком" хусусий корхонаси раҳбари | Фарғона вилояти, Фарғона тумани | 104-Қувасой сайлов округи |
| 26 | Жабборов Собир Вахабович | 1956 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари | Тошкент шаҳри, Миробод тумани | 65-Сайхун сайлов округи |
| 27 | Жумаев Нодир Хосиятович | 1976 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети проректори | Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани | 130-Бодомзор сайлов округи |
| 28 | Жураев Султон Деҳқонбаевич | 1952 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Улуғнор тумани "Ишонч" фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси | Андижон вилояти, Улуғнор тумани | 11-Бўз сайлов округи |
| 29 | Заиров Фахриддин Абсаламович | 1963 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи | Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри | 59-Пайариқ сайлов округи |
| 30 | Зокиров Улуғбек Хуррамович | 1974 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | "Асака" давлат акциядорлик тижорат банки Сурхондарё вилояти филиали бошқарувчиси | Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри | 73-Шўрчи сайлов округи |
| 31 | Иминов Бахтиёр Мирзажонович | 1963 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси | Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани | 12-Шаҳрихон сайлов округи |
| 32 | Исмоилов Нурдинжон Мўйдинханович | 1959 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси | Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани | 46-Учқўрғон сайлов округи |
| 33 | Исмоилов Сохибжон Ибрагимович | 1963 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси "Нефтгаз-депозит" шўъба корхонаси Фарғона филиали бошлиғи | Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри | 95-Риштон сайлов округи |
| 34 | Карамова Комила Зайдуллаевна | 1960 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Қарши шаҳри, "Насаф" газетаси бош муҳаррири | Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри | 123-Насаф сайлов округи |
| 35 | Каримов Рахматилла Хамидиллаевич | 1966 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Тошкент шаҳри "Кармусмакс" масъулияти чекланган жамияти директори | Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани | 132-Тўқимачи сайлов округи |
| 36 | Каримова Хапизахон Қўлдашевна | 1960 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Андижон вилояти ахборот-кутубхона маркази директори | Андижон вилояти, Андижон шаҳри | 9-Андижон сайлов округи |
| 37 | Киргизбаев Абдугаппор Каримжонович | 1962 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бўлими бошлиғи | Тошкент шаҳри, Учтепа тумани | 49-Янгиқўрғон сайлов округи |
| 38 | Комилов Фахриддин Эсанович | 1962 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси | Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани | 79-Бўка сайлов округи |
| 39 | Коренев Игорь Анатольевич | 1966 | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Миллий тикланиш" ДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси | Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани | 82-Олмалиқ сайлов округи |
| 40 | Кушакаев Бахтияр Янгибаевич | 1963 | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Миллий тикланиш" ДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзоси | Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани | 3-Элликқалъа сайлов округи |
| 41 | Маматов Абдугафур Эшонқулович | 1955 | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Миллий тикланиш" ДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси | Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани | 33-Пахтакор сайлов округи |
| 42 | Маматов Худоёр Тешаевич | 1971 | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, "Адолат" СДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси | Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани | 58-Пастдарғом сайлов округи |
| 43 | Матякубова Назира Тохтабаевна | 1968 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | "Аму тонги" газетаси бош муҳаррири | Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри | 4-Амударё сайлов округи |
| 44 | Машарипова Барчиной Козимжоновна | 1959 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Боғот тумани Кенгаши раисининг ўринбосари | Хоразм вилояти, Боғот тумани | 106-Боғот сайлов округи |
| 45 | Муҳаммадиев Улуғбек Насриддинович | 1971 | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Миллий тикланиш" ДП аъзоси | Минтақавий сиёсат жамғармаси директори вазифасини бажарувчи | Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани | 121-Яккабоғ сайлов округи |
| 46 | Насриев Илхом Исмоилович | 1966 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси | Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани | 28-Ғиждувон сайлов округи |
| 47 | Нишанова Мавлуда Нематовна | 1965 | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, "Адолат" СДП аъзоси | Жиззах вилояти Статистика бошқармаси бошлиғи | Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри | 29-Жиззах сайлов округи |
| 48 | Ниязова Джамиля Абдуқадировна | 1958 | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Миллий тикланиш" ДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси | Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани | 8-Оқманғит сайлов округи |
| 49 | Одилов Қодиржон | 1952 | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Миллий тикланиш" ДП аъзоси | Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" кафедраси доценти | Андижон вилояти, Андижон шаҳри | 15-Хўжаобод сайлов округи |
| 50 | Омонова Феруза Раҳмановна | 1979 | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, партиясиз | Наманган вилояти хўжалик судининг судьяси | Наманган вилояти, Наманган шаҳри | 43-Поп сайлов округи |
| 51 | Отажонов Нураддин Жуманиёзович | 1960 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Хонқа тумани "Қувонч" фермер хўжалиги раҳбари | Хоразм вилояти, Хонқа тумани | 109-Хонқа сайлов округи |
| 52 | Охунов Қодиржон Қутбиддинович | 1953 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | "Фарғона ирригация қурилиш" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси | Фарғона вилояти, Фарғона тумани | 100-Водил сайлов округи |
| 53 | Раджабов Фахритдин Зайниевич | 1962 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси | Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани | 50-Регистон сайлов округи |
| 54 | Раджабова Мавжуда Сайфудиновна | 1957 | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Миллий тикланиш" ДП аъзоси | Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Бухоро вилояти ваколатхонаси раҳбари | Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри | 22-Когон сайлов округи |
| 55 | Рахимов Абдуманноб Кузиевич | 1963 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси | Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани | 20-Чинобод сайлов округи |
| 56 | Рахматов Саттор Неъматович | 1973 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Китоб тумани Болалар поликлиникаси бош шифокори | Қашқадарё вилояти, Китоб тумани | 119-Чироқчи сайлов округи |

(Давоми 3-бетда).

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 2-бетда).

| № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Депутатнинг номзодини кўрсатган органнинг номи, партияга мансублиги | Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) | Иш ва яшаш жойи | Сайлов округининг тартиб рақами ва номи |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 57 | Раҳмонов Абдукамол Шодиевич | 1960 | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, партиясиз | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси бошлиғи | Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани | 37-Хатирчи сайлов округи |
| 58 | Реймов Полат Расбергенович | 1962 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзоси | Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани | 7-Орол сайлов округи |
| 59 | Сабиржанов Равиль Салихович | 1953 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раисининг ўринбосари | Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани | 36-Зарафшон сайлов округи |
| 60 | Садиқов Алишер, Мирзалиевич | 1963 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Сариосиё тумани "Али Мирсодиқ Музаффар Агро" фермер хўжалиги раҳбари | Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани | 76-Узун сайлов округи |
| 61 | Саидов Акмал Холматович | 1958 | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, партиясиз | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси | Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани | 117-Касби сайлов округи |
| 62 | Саифназаров Исмаил | 1948 | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, "Адолат" СДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари | Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани | 84-Тўйтепа сайлов округи |
| 63 | Сафаева Машкура | 1950 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси | Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани | 120-Шаҳрисабз сайлов округи |
| 64 | Сидиқов Низомидин Ғуломович | 1958 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси | Тошкент шаҳри, Миробод тумани | 13-Асака сайлов округи |
| 65 | Солиев Фахриддин Баҳромович | 1960 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси | Тошкент шаҳри, Миробод тумани | 34-Навоий сайлов округи |
| 66 | Сулайманов Анвар Ильёсханович | 1964 | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, "Адолат" СДП аъзоси | Наманган шаҳар "Стандарт қурилиш таъминоти" масъулияти чекланган жамияти бошқаруви раиси | Наманган вилояти, Наманган шаҳри | 39-Дўстлик сайлов округи |
| 67 | Тешабаев Мухаммадюсуф Муталибжонович | 1954 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси | Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани | 10-Олтинкўл сайлов округи |
| 68 | Тешаев Шавкат Жумаевич | 1965 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси | Тошкент шаҳри, Сирғали тумани | 68-Шеробод сайлов округи |
| 69 | Тиллабоев Алишер Абдусаматович | 1951 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Избоскан тумани "Тиллабоев орзуси" фермер хўжалиги раҳбари | Андижон вилояти, Избоскан тумани | 18-Избоскан сайлов округи |
| 70 | Тошкулов Абдукодир Хамидович | 1976 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Термиз давлат университети "Молия" кафедраси мудири | Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри | 70-Термиз сайлов округи |
| 71 | Ташмухамедова Дилорам Гафурджановна | 1962 | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, партиясиз | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери | Тошкент шаҳри, Учтепа тумани | 124-Оқтепа сайлов округи |
| 72 | Турсунбаев Шухрат Мирайимович | 1970 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Юқори Чирчиқ тумани Қурилиш-иқтисод касб-ҳунар коллежи директори | Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани | 83-Паркент сайлов округи |
| 73 | Турсунов Ахтам Саломович | 1954 | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Миллий тикланиш" ДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси | Тошкент вилояти, Қибрай тумани, | 63-Қоратепа сайлов округи |
| 74 | Турсунов Собир Турдиевич | 1964 | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, "Адолат" СДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси | Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани | 112-Қарши сайлов округи |
| 75 | Тўхтабаев Абдурашид Турсунович | 1953 | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Миллий тикланиш" ДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси | Тошкент шаҳри, Миробод тумани | 17-Қўрғонтепа сайлов округи |
| 76 | Тўхташев Абдил Касимович | 1955 | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Миллий тикланиш" ДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси | Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани | 61-Тайлоқ сайлов округи |
| 77 | Усаров Олим Авалбаевич | 1973 | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Миллий тикланиш" ДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси | Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани | 54-Каттақўрғон сайлов округи |
| 78 | Усманов Мажитхон | 1956 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси | Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани | 57-Оқдарё сайлов округи |
| 79 | Усмонов Маруф Азамович | 1965 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси | Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани | 93-Қўқон сайлов округи |
| 80 | Утемуратов Аскарбай Минажович | 1972 | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Миллий тикланиш" ДП аъзоси | "Чимбой мой" очиқ турдаги акциядорлик жамияти раиси | Қорақалпоғистон Республикаси, Чимбой тумани | 6-Чимбой сайлов округи |
| 81 | Хаитов Урал | 1956 | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Миллий тикланиш" ДП аъзоси | Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти проректори | Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри | 114-Қамаши сайлов округи |
| 82 | Хамзаев Қувондиқ Уралович | 1971 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Сурхондарё вилояти "Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик жамияти раиси | Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри | 69-Ангор сайлов округи |
| 83 | Хамидова Камола Тахировна | 1977 | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, "Адолат" СДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими | Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани | 87-Қибрай сайлов округи |
| 84 | Хожибеков Улуғбек Лутфиллаевич | 1963 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Андижон тумани "Ёрбоши келажаги" фермер хўжалиги раҳбари | Андижон вилояти, Андижон тумани | 19-Хартум сайлов округи |
| 85 | Холиқова Дильбар Маликжоновна | 1960 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | "Ўзбекистон почтаси" очиқ турдаги акциядорлик жамияти Наманган филиали директори | Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани | 47-Чортоқ сайлов округи |
| 86 | Шадманов Адхам Хурсанбаевич | 1965 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари | Тошкент шаҳри, Учтепа тумани | 51-Сўғдиёна сайлов округи |
| 87 | Шарипов Муҳаммаджон Саттарович | 1961 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Косонсой тумани "Гулжахон Мухаммаджон қизи" фермер хўжалиги раҳбари | Наманган вилояти, Косонсой тумани | 42-Косонсой сайлов округи |
| 88 | Шарипов Ориф Мухамедович | 1956 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзоси | Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани | 81-Зангиота сайлов округи |
| 89 | Эсанова Олтиной Ахмадалиевна | 1958 | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Миллий тикланиш" ДП аъзоси | "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси Сирдарё вилояти бўлими директори | Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри | 64-Гулистон сайлов округи |
| 90 | Эшмурадов Арслан Хусанович | 1976 | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Миллий тикланиш" ДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси | Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани | 115-Нишон сайлов округи |
| 91 | Юнусов Обиджон Қодирович | 1964 | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, "Адолат" СДП аъзоси | "Янгийўл ёғ-мой" очиқ турдаги акциядорлик жамияти раҳбари | Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри | 88-Янгийўл сайлов округи |
| 92 | Юнусова Алия Туйгуновна | 1961 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси | Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани | 77-Ангрен сайлов округи |
| 93 | Юсупов Абдиқаҳор Назарович | 1971 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Самарқанд вилояти Бош бошқармаси бошлиғи | Самарқанд вилояти, Иштихон тумани | 53-Иштихон сайлов округи |
| 94 | Юсупов Эркин Джураевич | 1960 | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Миллий тикланиш" ДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси | Тошкент шаҳри, Сирғали тумани | 56-Нарпай сайлов округи |
| 95 | Якубов Бахтиёр Султонназирович | 1969 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари | Тошкент шаҳри, Миробод тумани | 2-Тўрткўл сайлов округи |
| 96 | Ғофуров Ахмаджон Мамашарипович | 1961 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Андижон вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи | Андижон вилояти, Марҳамат шаҳри | 16-Пахтаобод сайлов округи |

2-илова

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар РЎЙХАТИ

| № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) | Иш ва яшаш жойи | Маъмурий-ҳудудий бирлик |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Абдубакиев Сиддик Ахматжонович | 1963 | Андижон вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси бўлими бошлиғи | Андижон шаҳри | Андижон вилояти |
| 2 | Абдуғаниев Отабек Абдуҳамидович | 1974 | Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Сирдарё вилояти бўлими Кенгаши раиси ўринбосари, "Давр ва ёшлар" газетаси бош муҳаррири | Гулистон шаҳри | Сирдарё вилояти |
| 3 | Аззамов Худойберди Сурханович | 1961 | Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси | Самарқанд шаҳри | Самарқанд вилояти |
| 4 | Айтжанова Нурия Джалгасбаевна | 1966 | Ўзбекистон экологик ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлинмаси раҳбари | Нукус шаҳри | Қорақалпоғистон Республикаси |
| 5 | Алиханов Борий Ботирович | 1961 | Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси | Тошкент шаҳар | Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси |
| 6 | Атаджанов Илхам Шарипович | 1961 | Урганч давлат университети "География" кафедраси доценти | Урганч шаҳри | Хоразм вилояти |
| 7 | Джакбаров Садиржон Аминжанович | 1957 | Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси девонида Халқаро экологик жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш гуруҳи координатори | Тошкент шаҳри | Фарғона вилояти |
| 8 | Куватов Фарходжон Мурадуллаевич | 1977 | Навоий шаҳар табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи | Навоий шаҳри | Навоий вилояти |
| 9 | Қурбонов Абдураҳим Эшонқулович | 1974 | Термиз давлат университети тарих факультети кафедра катта ўқитувчиси | Термиз шаҳри | Сурхондарё вилояти |
| 10 | Мамараҳимов Ойбек Муратович | 1974 | Жиззах давлат педагогика институти "Биология ва уни ўқитиш услубияти" кафедраси мудири | Тошкент шаҳри | Жиззах вилояти |
| 11 | Отакулов Уктам Хотамович | 1961 | Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти "Атроф-муҳит ҳимояси ва экология" кафедраси катта ўқитувчиси | Қарши шаҳри | Қашқадарё вилояти |
| 12 | Самойлов Сергей Владимирович | 1952 | Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти ва уни ташкил қилиш бошқармаси бошлиғи | Тошкент шаҳри | Тошкент вилояти |
| 13 | Тошбоев Тохир Турсунович | 1963 | Наманган вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси давлат экологик экспертизаси бўлими бошлиғи ўринбосари | Наманган шаҳри | Наманган вилояти |
| 14 | Файзиева Дилором Хуснитдиновна | 1962 | Ўзбекистон Фанлар академияси Сув муаммолари институтининг "Гидроэкология ва сув таъминоти хавфсизлиги" лабораторияси мудири | Тошкент шаҳри | Тошкент шаҳри |
| 15 | Холбоев Фахриддин Рахмонкулович | 1966 | Бухоро давлат университети "Зоология" кафедраси доценти | Бухоро шаҳри | Бухоро вилояти |

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси** **М. АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри, 2010 йил 4 январь.*

# ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Зиммасидаги шарафли ҳамда ўта масъулиятли вазифани сидқидилдан адо этаётган Ватан ҳимоячилари давлатимиз томонидан ҳам ҳамиша эътироф этилиб, муносиб рағбатлантирилмоқда, улуғланмоқда.

Юртбошимиз Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган мурожаатида мамлакатимиз мудофаа тизимида қўлга киритилган натижалар билан бирга, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтган эди. Унга кўра, яқин йиллар ичида ўнлаб замонавий ҳарбий шаҳарчаларни барпо этиш ва реконструкция қилиш, бу объектларда энг юксак талабларга ҳамда ҳарбий хизматчилар, уларнинг оилалари эҳтиёжларига жавоб берадиган қулай ижтимоий-маиший шароит ва инфратузилмаларни яратиб бериш асосий тадбирлардан бири экани қайд этилганди. Мудофаа вазирлиги, республикамиздаги қатор лойиҳалаш институтлари ва тегишли қурилиш-таъмирлаш ташкилотлари ҳамкорликда ушбу вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан салмоқли ишларни амалга оширмоқда.

Хусусан, Конституциямиз қабул қилинганининг 17 йиллиги арафасида Марказий ҳарбий округ қўшинларида ҳарбий хизматни ўтаётган бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари давлатимизнинг бу борадаги ғамхўрлигидан баҳраманд бўлишди. Улар замонавий шарт-шароитларга эга янги уйларнинг калитларини қабул қилиб олишди. 4 қаватдан иборат, 64 хонадонли мазкур тураржой биносидаги имкониятлар ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради.

Уй эгалари ҳарбий хизматчиларга кўрсатилаётган эътибор учун Юртбошимизга ўз миннатдорликларини изҳор этишди.

— Мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафида хизмат қилаётганимдан ҳамиша ғурурланаман, — дейди капитан Жамшиджон Эшқулов. — Биз ва оиламиз учун нимаики шароит лозим бўлса, барчаси яратиб берилмоқда. Иш ҳақимиз йилдан-йилга ошиб бораяпти. Мана, энди янги уйга эга бўлдик. Турмуш ўртоғим Нигорахон ва икки нафар фарзандим билан уч хонали уйнинг калитини қабул қилиб олдик. Хоналари кенг, шинам ва ёруғ экан. Бундай эътибор биз, ҳарбийларни юртимиз тинчлиги ва равнақи йўлида куч-маҳоратимизни, билим ва тажрибамизни аямасликка, билдирилган ишончни астойдил оқлашга ундайди.

— Конституциямизнинг 17 йиллиги ва Янги йил байрамини шу уйда нишонладик, — дейди капитан Қудрат Маткаримов. — Албатта, ҳали кўп-кўп яхши кунларимиз ушбу хонадонда ўтади. Бундан турмуш ўртоғим Хулкарой, тўрт яшар ўғилчамиз Яшнарбек ҳам хурсанд. Мен мана шундай бағрикенг, халқпарвар юрт фарзанди эканимдан ҳамиша фахрланаман. Келгусида ҳам ўз меҳнатим билан Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаман.

Янги уйларга эга бўлган ҳарбийларнинг ҳар биридан ана шундай самимий фикрларни эшитдик.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ВАТАННИНГ СУЯНЧИ, ТАЯНЧИ ЁШЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мактабда 30 га яқин тўгарак фаолият кўрсатади. Ҳудудда жойлашган Ўқувчилар техник ижодиёт маркази билан ҳамкорликда касб-ҳунар ўрганаётган ёшлар учун турли маданий-маърифий тадбирлар, кўргазма ва беллашувлар, маҳорат сабоқлари, таниқли уста ва ҳунармандлар билан ижодий учрашувлар ўтказилаётир.

Ўқув даргоҳида, шунингдек, ҳарбий спорт гуруҳлари ташкил этилган бўлиб, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг спорт билан шуғулланишлари учун тегишли шароит яратишга ҳаракат қилинаяпти. Ушбу ихтисослаштирилган гуруҳларда 100 нафар ўқувчи таълим олмоқда.

— Синфимиз ўқувчилари "Альфа-тренинг" деб номланган ҳарбий-спорт йўналишидаги машғулотларда фаол қатнашишаяпти, — дейди гуруҳ раҳбари ўринбосари Сурайё Муҳрумбоева. — Қувонарлиси шундаки, ёшларимизда ватанпарварлик туйғуси, юртга муҳаббат ҳисси чуқур илдиз отиб бораётир. Халқимизнинг бунёдкорлик, бағрикенглик каби азалий қадриятлари шу ёшлар ҳаётида намоён бўлаяпти. Бу борада уларга 25 нафар фидойи устоз ва мураббий яқиндан кўмак бермоқда. Маънавият сабоқлари, умумтаълим дарслари, ҳарбий-спорт мусобақаларига жисмоний ва руҳий тайёргарлик кўриш бўйича машғулотлар "Альфа-тренинг" гуруҳининг кундалик дарс соатларини ташкил этади. Қисқаси, ўқувчиларнинг ҳар жиҳатдан пухта билим олишлари учун зарур шарт-шароит яратиш, мустақил фикрлаш, ижодий изланиш, катта ютуқ ва марраларни кўзлаб интиладиган ёшларни камол топтириш энг асосий мақсадимиздир.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


«НАМАНГАННОНМАҲСУЛОТ»
масъулияти чекланган жамияти жамоаси

бунёдкор
Ўзбекистон халқини
Янги йил билан
қизғин табриклайди.

*Истагимиз — 2010 йил барчамиз учун бахт-саодатли, омадли келсин. Дастурхонларимиз ҳамиша ноз-неъматлар билан тўла бўлсин. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун яратиб берилган шароит ҳамда имкониятлардан фойдаланиб, ўз бизнесини йўлга қўйган ҳамюртларимизнинг истиқболли лойиҳалари муваффақиятли амалга ошиб, ватанимиз иқтисодиётига янада қудрат бағишлашини тилаймиз. Неъматлар султони — нон ва нон маҳсулотлари бундан-да сероб бўлиб, хонадонларимиздан қут-барака, амалга ошираётган хайрли ишларимиздан ривож аримасин.*



1426R/1837


# «UCELL» – ХИЗМАТ ҚАМРОВИ КЕНГАЙМОҚДА

***"ХК COSCOM" МЧЖ (Ўзбекистон Республикасида ўз хизматларини "UCell" савдо белгиси остида кўрсатади) мамлакатимиз мобиль алоқа бозоридаги етакчи операторлардан биридир. Эътиборли жиҳати шундаки, якунланган йил компания фаолиятида улкан ютуқларга бой бўлди. Жумладан, унинг хизмат кўрсатиш сифати тубдан яхшиланди ва бу жараён изчил давом эттирилмоқда. Абонентлар ва ходимлар ўртасидаги муносабатлар ҳам ўзаро яқинлик, одоб-ахлоқ меъёрлари доирасида ташкил этилмоқда. Муҳими, компания тобора ривожланиб бораётир.***

Бу жабҳада у, асосан, ўзининг техник базасини янгилаш баробарида, хизмат кўрсатиш ҳудудини ҳам кенгайтиришга интилмоқда. Бу эса унинг абонентлари сони, ҳудудий қамрови, таклиф этаётган хизматлари тури ва сифати бўйича Ўзбекистондаги мобиль алоқа операторлари орасида етакчилар қаторида бўлишига замин яратмоқда. Ўз навбатида, жорий этилаётган қулайликлар ва алоқа сифатининг яхшиланаётгани боис абонентлари сони ҳам ошиб бормоқда.

2007 йилдан бошлаб "UCell" Европа телекоммуникация бозоридаги йирик компаниялардан бири бўлган "TeliaSonera" гуруҳи таркибига кирди. Бошқача айтганда, у дунё миқёсидаги телекоммуникация соҳасидаги компанияларнинг "катта оиласи" аъзосига айланди. Айтиш жоизки, бугунги кунда "TeliaSonera"нинг хизматларидан 20 дан ортиқ давлатда фойдаланишади. Хусусан, мазкур компаниянинг Швеция, Финляндия, Норвегия, Дания, Болтиқбўйи мамлакатлари, Туркия, Россия, Непал, Камбоджа ва МДҲ давлатларида қарийб 140 миллиондан ортиқ абонентлари бор. Айни пайтда МДҲ давлатларидан Қозоғистондаги "K'cell", Озарбойжондаги «Azercell», Грузиядаги «Geocell», Тожикистондаги "Индиго" ва "Сомонком" ҳамда Молдовадаги «Moldcell» каби мобиль алоқа операторлари "TeliaSonera" гуруҳи таркибига киради.

Маълумот ўрнида келтириб ўтамиз, "TeliaSonera" 2002 йили Швециянинг "Telia" ва Финляндиянинг "Sonera" компаниялари бирлашиши натижасида вужудга келган. Унинг фаолияти асосини телекоммуникация, хусусан, мобиль алоқа хизмати ташкил этади. "TeliaSonera"нинг акциялари Стокгольм ҳамда Хельсинки шаҳарларидаги биржаларда котировка қилинади.

Маълумки, "UCell" абонентлари базаси тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Жумладан, 2009 йилнинг ноябрь ойига келиб, улар беш миллион нафарга етди. Бу, албатта, унинг мижозлар манфаатини устун қўяётганидан далолатдир. Яна бир муҳим жиҳати, компания мижозлари учун кўплаб янги хизматлар жорий этилмоқда. Улар орасида "GPRS" ва "EDGE" технологиялари асосидаги мобиль Интернет, мультимедия хабарлари ("MMS"), "GPRS" ва "CAMEL" (Customised Applications for Mobile Enhanced Logic) роуминг каби хизмат турлари абонентлар эътирофига сазовор бўлаётир.

2009 йил бошида компания учинчи авлод мобиль алоқа хизмати — 3G тизимини Тошкент шаҳрида жорий этди. Бу тармоқ "UMTS" технологиясига асосланган бўлиб, мижозларга янада кўпроқ ва тезроқ алоқа ҳамда ахборот алмашиш имконини берди. Ҳозирги кунга келиб, "HSDPA" технологиясидан фойдаланиш орқали компания 3.5G хизматини ҳам кўрсатмоқда. "HSDPA" (High Speed Downlink Packet Access) жуда қудратли технология бўлиб, у "UMTS" стандартининг кейинги босқичидир. "HSDPA" технологиясида ахборот алмашиш тезлиги анча юқори.

Шу билан бирга, "UCell" мавжуд 2G ҳамда 3G хизмат турларини янада кенгайтириш бўйича ҳам ишлар олиб бормоқда. Бу борада зарур бўлган "UMTS"/ "HSDPA" жиҳозларини ўрнатиш ишлари республикамиз вилоятларида амалга оширилмоқда ва улар яқин орада ишга туширилиши режалаштирилган.

Шу ўринда компания томонидан турли соҳа вакиллари, ишбилармон ва тадбиркорлар учун махсус тарифлар таклиф қилинаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, "Тадбиркор" ва "Иш учун" тарифлари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Масалан, "Иш учун" арзон, шу билан бирга, сифатли мобиль алоқа хизматини амалга ошириш учун махсус ишлаб чиқилган "Prepaid" тарифдир. Ушбу тариф режасининг ўзига хослиги шундаки, абонентнинг ўзи алоқада бўлишни хоҳлаган инсонларни танлаб, мулоқот доирасини яратиши ва улар билан тармоқ ичида атиги $0.01 нархида суҳбат қуриши мумкин. Шу билан бирга, бу тарифда барча кириш қўнғироқлари бепул, чиқиш қўнғироқлари эса бир дақиқаси учун атиги $0.02. Бундан ташқари, абонентлар ҳар ойда 100 та текин "MMS" ва 60 мегабайт бепул мобиль Интернетга эга бўладилар. Бу хизматлар учун кунига $0.10 абонент тўлови тўланади, холос.

«Иш учун» тарифига фақат йирик корпоратив мижозлар, юридик шахслар, компаниялар ходимлари, балки Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган хусусий тадбиркорлар ҳам уланишлари мумкин. Рўйхатга олиш жараёни оддий ва кўп вақт талаб қилмайди.

Яқинда эса "Unlimited" корпоратив тарифининг нархи янада арзонлаштирилди. Энди ойига атиги 40 АҚШ доллари тўлаб, корпоратив мижоз истаганча суҳбатлашиши мумкин. Шунингдек, унга 200 мегабайт ҳажмда Интернет орқали бепул ахборот алмашиш, шу билан бирга, 200 дона бепул "MMS" хабаридан фойдаланиш имконияти берилади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Арзонлаштирилган "Internet", "MMS" ва "SMS" хизматлари ҳам мавжуд.

Компаниянинг дилерлар тармоғи ҳам кенгайиб бормоқда. Ҳозирги кунда 3000 дан ортиқ абонентлар билан ишлаш шохобчалари фаолият олиб бормоқда. "UCell" роуминг хизматларини 126 дан зиёд давлатда 265 дан ортиқ компаниялар тармоғи орқали таклиф қилмоқда.

"UCell" мижози бўлган компаниялар кенг қамровли хизматлар, шу билан бирга, тежамли тариф режалари, юқори тезликдаги Интернет ва электрон почта алоқаси, ахборот алмашиш имкониятлари, видео-қўнғироқ ва бошқаларга эга бўладилар. Бу хизматлар уларнинг қўл телефонларини мобиль иш жойига айлантириб, мижозлар, ҳамкорлар ва ходимлар билан алоқа қилишларига имкон беради.

"UCell" Ўзбекистонда етакчи технологияларни қисқа муддат ичида татбиқ қилиш учун кенг қамровли тадбирлар олиб бормоқда. Бунинг учун инновацион ва замонавий технологиялар жорий этилиши, техника салоҳияти янада кенгайтирилиши режалаштирилган. Ишбилармон ва тадбиркорлар эса қўл телефонини мобиль офис сифатида ишлатиб, электрон почта, турли маълумотларни, қаерда эканликларидан қатъи назар, ўз вақтида қабул қилишлари ва юборишлари мумкин бўлади.

**Беҳзод РАҲМАТОВ.** t


ОКНА
ДВЕРИ
ВИТРАЖИ
ПОД ЗАКАЗ
182-62-17,
378-78-07,
441-85-46,
235-47-43.
1175R/1551

MDIS TashKent
Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти
2010 - 2011 ўқув йили учун абитуриентларни
ИНГЛИЗ ТИЛИ
ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА
таклиф қилади.
2009 йилда 98% тингловчиларимиз кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширдилар.



Қўшимча маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти
100185, Тошкент ш., Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 28.
Тел.: 271-77-01, 271-77-00
Омадли келажакка биз билан эришинг!
Услуги лицензированы
1310R/1718

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
236-09-25

CSP PIPELINE
ПП «ЧИРЧИК ШАНХАЙ ПЛАСТ»
ПРОИЗВОДИТ
НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ
ТРУБЫ
ДИАМЕТРОМ ОТ 16 мм ДО 1 200 мм
ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ,
КОМПЛЕКТУЕТ АДАПТЕРАМИ, СОЕДИНИТЕЛЯМИ, ОТВОДАМИ, ТРОЙНИКАМИ.
ПРОИЗВОДИТ МОНТАЖНО-УКЛАДОЧНЫЕ РАБОТЫ.
Товар сертифицирован, гарантия — 5 лет, срок службы — 50 лет.
Адрес: г. Ташкент, ул. Шайхантохур, 36, 3-й этаж, бизнес-центр «ЛАБЗАК».
Тел./факс: 241-70-06, 244-83-00,
моб. (+998 93) 547-49-75, (+998 90) 995-19-99.
e-mail: sedou2006@yandex.ru
708H/1016


Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъати ҳамда касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси ЎзР ФА академиги, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Наби МАЖИДОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

"Ўзпахтасаноат" уюшмаси жамоаси "Бухоропахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси бошқарув раиси

**Одил Амриевич АКРАМОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

"ALSKOM" ОАЖ СК жамоаси компаниянинг Шаҳрисабз филиали директори Абдураҳмон Ашуровга турмуш ўртоғи

**РОБИЯХОН аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 04. 61238 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*
ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Қ. Ҳидиров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.35 Топширилди — 02.10 1 2 3 5